



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАЗЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАҚ  
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ,  
УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ

Республика илмий-амалий анжуман материаллари

## ТЎПЛАМИ

2020 йил 13 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ  
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАҚ  
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ  
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман  
материаллари**

**Т Ү П Л А М И**

**2020 йил 13 ноябрь**

**Бухоро – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ  
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК СУВ  
ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ ХАЛҚ  
ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари**

**Т Ү П Л А М И**

**2020 йил 13 ноябрь**

<i>Muharrir:</i>	<i>G'.Murodov</i>
<i>Texnik muharrir:</i>	<i>G.Samieva</i>
<i>Musahhih:</i>	<i>A.Qalandarov</i>
<i>Sahifalovchi:</i>	<i>M.Ortiqova</i>

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original – makeddan bosishga ruxsat etildi: 16.11.2020. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Times New Roman» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog‘ozi. Bosma tobog‘i 9,7. Adadi 100. Buyurtma №189.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MChJ  
“Durdon” nashriyoti: Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy.  
Bahosi kelishilgan narxda.

“Sadiddin Salim Buxoriy” MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buxoro shahri M.Iqbol ko‘chasi 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45.

## 2-ШЎБА

### **СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ТУБАН СУВЎТЛАРИНИНГ АЛЬГОЛОГИК ТОЗА ҲУЖАЙРАСИНИ АЖРАТИШ, КЎПАЙТИРИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

Бўриев С.Б., Юлдошов Л.Т., Қобилов А.М., Жалолов. Э.Б. Балиқчилик ҳовузларидаги сув ўсимликларини аниқлаши ва оқсилга бой турларини маҳсус қўпайтириши	53
Маткаримова Г.М. <i>Водоросли и их значение в природе</i>	55
Shamsiev N. A. <i>Oyoqog 'itma ko 'lida mikroskopik suvo 'larining tarqalishi</i>	58
Shamsiyev N.A., Shodmonov F.Q., Amonova D.N. <i>Oyoqog 'itma ko 'li baliqlarining oziqlanishida suvo 'larning salmog 'i</i>	61
Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдошов Л.Т. <i>Балиқ маҳсулдорлигини оширишда сув ўсимликларининг аҳамияти</i>	63
Рашидов Н.Э., Элмуродова Н.Н., Элмуродова У.Н. <i>Коллектор сувларida аниқланган сувўтларининг экологик таҳлили</i>	66
Bo'riyev S.B., Sharopova Sh.R. <i>Fitoplanktonlarni o'rganishda "bologhovuz" tadqiqot obyekti sifatida. Hovuz suvining fizik-kimyoviy va biologik holati</i>	68
Qalandarova D. <i>Yashil suvo 'tlardan xlorellani (chlorella pyrenoidosa) laboratoriya sharoitida organo-mineral muhitda ko 'paytirish va baliqchilikda ozuqa sifatida qo 'llash</i>	69
Каландарова Д.С. <i>Балиқчилик ҳовузларидаги микроскопик ва юксак сув ўсимлари, улардан балиқчиликда фойдаланиши</i>	72
Шоназар Т.Х., Ганиева Ф.А. <i>Яшил сувўтларининг хусусиятлари</i>	76
Tog'ayeva M.B., Азизова Н.А. <i>Tuproq unutmordorligini oshirishda sianobakteriyalar va yashil suvo 'larining ahamiyati</i>	77

## 3-ШЎБА

### **СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ЙОКСАК СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ КЎПАЙТИРИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

Муродов С.А., Абдураимов О.С. <i>Сувқалампир (Polygonum hydropiper l.) биологияси ва аҳамияти</i>	80
Йўлдошев К.Р., Аллашкуров Ш.Р., Рахимов Ш.Ш., Юсупов Х.Р. <i>Хоразм вилояти шароитига эйхорния (Eichorniya) сув ўсимлигини иқтимлаштириши ва ундан оқова сувларни биологик тозалашида фойдаланиши</i>	83
Йўлдошев К.Р., Тажиев З.Р., Аллашкуров Ш.Р., Жуманазаров X.Ў. <i>Хоразм вилояти шароитига азолла сув ўсимлигини кўпайтириши ва ундан оқова сувларни тозалашида фойдаланиши</i>	86
Юлдошов Л.Т. <i>Бухоро шаҳар оқова сувларida пистия (Pistiya)</i>	91



**Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув ҳавзаларида ўсувчи тубан ва юксак сув ўсимликларини кўпайтириш, уларни ҳалқ ҳўжалигига қўллаш**

Oyoqog‘itma ko‘li sharoitida orol chovoqning oziq spektori juda keng.  
Uning oziqa tarkibida faqat krevetka va baliq uchramaydi xolos.  
Orol chovoq balig‘ining fasliy oziq ratsioni 3-jadvalda berilgan.

**3 jadval**

**Oyoqog‘itma ko‘li orol chovoq balig‘ining fasliy oziq tarkibidagi suvo‘tlar miqdori (og‘irligiga nisbatan % hisobida)**

Oziqa komponenti	Yoshi					
	1+	2+	3+	4+	5+	6+
<b>Bahor</b>						
Suvotlari	88	21,5	28,3	11,3	11,5	31,6
Detrit	1,3	--	0,8	0,3	0,3	--
Makrofit	2,9	--	--	0,1	7,1	1,7
<b>Yoz</b>						
Suvotlari	--	30,1	18,4	8,7	13,1	8,5
Detrit	--	--	--	0,5	0,3	2,3
Makrofit	--	0,1	--	11,0	16,5	12,4
<b>Kuz</b>						
Suvotlari	18,1	38,3	14,5	15,0	28,0	32,8
Detrit	0,5	--	0,5	1,8	5,0	--
Makrofit	--	0,3	0,3	0,8	0,9	--
<b>Qish</b>						
Suvotlari	95	90	99	--	--	--
Detrit	0,1	1,0	--	--	--	--
Makrofit	4,0	6,3	0,5	--	--	--

Jadvalni fasllar va baliq yoshlari bo‘yicha tahlil qiladigan bo‘lsak, bahor faslida 1+,2+,3+ va 6+ yoshli baliqlar, yoz faslida 2+, 3+ va 5+ yoshli baliqlar, kuz faslida 2+,5+ va 6+ yoshli baliqlar, oziqasini asosiy qismini tashkil qilgan.

Qish faslida 1+,2+,3+ yoshli baliqlar oziq tarkibida suvo‘tlari 90-99 % gacha uchradi.

**Adabiyotlar**

1. Абдуллаев М.А. Д.Урчинов. 1989. Промысловые рыбы водоёмов низовьев р.Зарафшан. Изд-во «Фан» с 4-12, 58-61.
2. Ниязов Д.С 1997. Экологические проблемы растительного и животного мира Бухарского региона. Изд-ва БухГУ. Бухоро. с. 133-145
3. Сайфуллаев Г.М 1986. Экология животных и растительности средней и нижней течения Амударьи Ташкент. ТашГИ стр. 36-42

**БАЛИҚ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СУВ  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**  
**С.Б. Бўриев, А.М. Кобилов, Л.Т. Юлдошов**  
**Бухоро Давлат Университети**

Хозирги вактда Республикада балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги ПП-3505

сонли “Балиқ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлари” тўғрисидаги фармонини қабул килиниши мамалакатимизда билиқчилик соҳасини янада ривожланишига ҳамда жадаллик билан олдинга силжишига замин бўлмоқда. Шу муносабат билан Бухоро вилоятидаги балиқчилик фермер хўжаликларида балиқларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун балиқчилик ҳовузларидаги тубан ва юксак сув ўсимликларининг турлари аниқланиб, физиологик фаол моддаларга (оксилларга, углеводларга, ёғларга, витаминаларга, антибиётикларга) бой бўлган турлари ажратилиб, улар алоҳида-алоҳида балиқ ташланмаган ёки умуман балиқ йўқ ҳовузларда кўпайтирилиб, балиқларга озиқа сифатида қўлланилди. Дарёлар ва қўлларда етиштирилаётган балиқлар истеъмол учун етарли даражада эмас. Шу сабабли балиқ маҳсулотларини кўпайтириш учун деярли барча фермер хўжаликлари худудида интенсив балиқчилик ҳовузларини ташкил қилишга бир қатор қарорлар қабул қилинди. Балиқчилик хўжаликларида уч хил балиқлар яъни, карп, ок амур ва оқ дўнгпешона балиқлари кўпайтирилмоқда. Оқ амур ва оқ дўнгпешона балиқлари ўтхўр хисобланади, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун озуқа сифатида юксак сув ўсимликлари ва тубан сувўтлари хисобланади. Балиқчилик ҳовузларида ўсувчи сув ўсимликларидан кенг мақсадда фойдаланиш учун уларнинг турлари аниқланиб, айримлари кўпайтирилди.

Ўсимликларнинг турларини аниқлаш учун Бухоро вилоятидаги балиқчилик хўжалиги| ҳовузларидан намуналар ва гербариylар (июл, август ойларида) йиғилди. Балиқчилик ҳовузларида сув ўсимликларини кўпайтириш учун, қўшимча азотли ва фосфорли минерал ҳамда органик ўғитлар берилади. Бунинг натижасида, айниқса фитопланктонлар фаоллашиши билан ривожланади.Faol ривожланувчилардан кўк- яшил (цианобактериялар), яшил, диатом ва эвглене бўлимига мансуб бўлган турлари аниқланди. Ҳозирги вақтда Республикада балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Дарёлар ва қўлларда етиштирилаётган балиқлар истеъмол учун етарли даражада эмас. Шу сабабли балиқ маҳсулотларини кўпайтириш учун деярли барча фермер хўжаликлари худудида балиқчилик ҳовузларини ташкил қилишга бир қатор қарорлар қабул қилинди. Балиқчилик хўжаликларида балиқлардан асосан карп, ок амур ва оқ дўнгпешона кўпайтирилмоқда. Оқ амур ва оқ дўнгпешона балиқлари ўтхўр хисобланади, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун озуқа сифатида юксак сув ўсимликлари ва тубан сувўтлари хисобланади. Балиқчилик ҳовузларида ўсувчи сув ўсимликларидан кенг кўламда фойдаланиш учун. уларнинг турлари аниқланиб, айримлари кўпайтирилди. Ўсимликларнинг турларини аниқлаш учун Бухоро вилоятидаги балиқчилик хўжалиги| ҳовузларидан намуналар ва гербариylар (июл август ойларида) йиғилди. Балиқчилик ҳовузларида сув ўсимликларини кўпайтириш учун, қўшимча азотли ва фосфорли минерал ҳамда органик ўғитлар берилади. Бунинг натижасида,

айниқса фитопланктонлар фаоллик билан ривожланади. Фаол ривожланувчилардан кўк- яшил (цианобактериялар), яшил, диатом ва эвглене бўлимига мансуб бўлган турлари аниқланди.

Аниқланган фитопланктонлардан кўк-яшил сувўтлари тури ва биомассаси жиҳатдан, айниқса баҳор ва кузда кўп микдорда учрайди. Улардан балиқлар деярли озуқа сифатида фойдаланмайди, чунки цианобактерияларнинг ҳужайралари майдада бўлганлиги сабабли, балиқлар жабрасида ушланмайди. Уларнинг кўп микдорда ривожланиши сувнинг гуллашига сабаб булади. Маълум вақт ичидаги биомассалар парчаланиб, балиқларнинг димиқишига ва заҳарланишига олиб келади. Оқ дўнгпешонанинг асосий озуқаси бўлган яшил сувўтларидан *Chlorella pyrenoidosa*, *Scenedesmus obliquus* ва *Scenedesmus acutinatus* ларнинг альгологик тоза ҳужайраси ажратиб олиниб, лаборатория шароитида кўпайтирилмоқда. Ҳужайраларининг таркибида 45-50% оксил, 25-30% углеводлар, 5-10% ёғ, бир нечта витаминлар ва антибиотикларнинг мавжудлиги туфайли балиқлар учун зарур озуқа хисобланади. Ушбу сувўтларининг хусусиятларидан яна бири, улар балиқчилик ҳовузларида ривожланаётган ҳар хил касаллик тарқатувчи потаген бактерияларнинг ҳамда кўк-яшил сувўтларининг, айниқса *Anabaena* ва *Microcystic* ларнинг ривожланишини камайтиради. *Scenedesmus* турлар метаболизм жараёнида маълум микдорда антибиотикларни чиқариб, муҳитдаги бактерияларнинг ривожланишини тўхтатиб, фотосинтез натижасида сувни кислород билан бойитади. Ушбу йўналиш бўйича муаллифлик гувохномаси мавжуд. Юксак сув ўсимликларидан сув остида, ярми сувда ва сув юзасида яшовчиларнинг турлари аниқланди.

Сув юзасида яшовчи ўсимликлардан — *Lemna minor*, *L. gibba*, *L. trisulca*. Ряска ўсимликлари балиқчилик ҳовузларида учрайди, кўп микдорда ривожланмайди, чунки балиқлар тезлик билан истеъмол қиласи. Бухоро вилоятдаги зовурларда ряска ўсимлиги куп учрайди. Бу ўсимликлар қушларнинг оёқларига, патларига ёпишиб қолиб, бошқа сувликларга борганида шу сувликларга тушади. Ўша ҳовуздаги ўтхўр балиқлар ряска ўсимлигини яхши истеъмол қиласи. Шунинг учун бу оқсилга бой ўсимликларни лаборатория ва ярим ишлаб чиқариш шароитида Кнопа ёки органик моддалардан тайёрланган озуқавий муҳитда кўпайтирилиб оқ амур балиғи учун сифатли озуқа тариқасида берилади. Балиқчилик ҳовузларида ўсаётган юксак сув ўсимликларига нисбатан рясканинг таркиби физиолог фаол моддаларга бой- 21-30% оқсиллар, 20-35% углеводлар, 4-20 ёғлар, витаминлар ( $B_1$ ,  $B_2$ ,  $B_6$ , PP), ферментлар, гармонлар, антибиотиклар мавжуд. У жуда тез кўпаяди. Бир кунда  $1m^2$  сув юзасида 80-150 граммгача яшил биомасса ҳосил қиласи. Танаси жуда ҳам юмшок 10-11% клечаткаси бор. Шу сабабли балиқлар учун ряска муҳим озуқа хисобланади. Уни балиқчилиқда кўллаш учун балиқчилик ҳовузлари қошида алоҳида сув ҳавзаси бўлиши